



# “YOSH TADQIQOTCHI” ilmiy elektron jurnali



Vebsayt: <http://2ndsun.uz/index.php/yt>

## ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАРШРУТЛИ ТАШИШДА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

**Баротов Жамшид Сайфуллаевич<sup>1</sup> Файзуллаев Ғайбулло Ўқтамович<sup>2</sup>**

*Тошкент давлат транспорт университети Юқ транспорт тизимлари кафедраси (PhD), и.о. доцент<sup>1</sup>*

*Тошкент давлат транспорт университети Юқ транспорт тизимлари кафедраси Магистри<sup>2</sup>*

### ИНФО:

<sup>1</sup>Қабул қилинди: 26.02.2022  
Кўриб чиқилди: 26.02.2022  
Нашр қилинди: 27.2.2022

### Калит сўзлар:

коридор, транзит, етказиб  
бериш, технологик  
жараён, станция,  
операция

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада темир йўл транспортида транзит юкларни ташиш таҳлили келтирилган. Мижозларга янада сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида юкларни бутлигини сақлаган ҳолда етказиб беришга таъсири кўрсатадиган қўшимча операциялар таъсирини камайтириш чора тадбирлари ишлаб чиқилди. Таҳлиллар натижасида келтирилган етказиб беришда таъсири кўрсатадиган қўшимча операцияларга белгиланган вақт меъёрлари амалий ва илмий асосланмагани исботланган. Шунинг учун мақолада келтириб ўтилган омилларни инобатга олиб келгусида халқаро юкларни ташишда тўғри бажарилишини таъминлашимиз зарурлиги, транспорт-транзит салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий йўлларидан бири бўлган транспорт коридорларини ташкил этишлиги таклиф этилган.


Copyright © 2021. [Creative Commons Attribution 4.0 International License](https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)

**Abstract:** In this article, the analysis of transit transportation by rail is presented. In order to provide better quality and fast service to customers, measures have been developed to reduce the impact of additional operations that affect delivery while maintaining the integrity of shipments. As a result of the analysis, it has been proved that the time standards set for additional operations that affect the delivery presented are practical and scientific basis. Therefore, the article proposes that we should ensure the proper

implementation of international cargo transportation in the future, which will lead to the above mentioned one, the establishment of transport corridors, which are one of the main ways to develop transport and transit potential.

**Keywords:** corridor, transit, delivery, technological process, station, operation.

Темир йўл транспорти давлатимизнинг асосий транспорт турларидан бири ҳисобланади. Темир йўл транспорти муҳим давлат, ҳалқ хўжалик ва мудофаа аҳамиятига эгадир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида темир йўл транспорти учун мижозлар юкларини ташиш бўйича янада сифатли хизмат кўрсатиш заруриятини тақозо этади. Жумладан, бугунги кунда мижозларнинг асосий талабларидан бири юкларни ўз вақтида етказиб берилиши ҳисобланади. Бу, ўз навбатида темир йўл транспорти олдига барча шароитларни инобатга олган ҳолда, юк ташиш жараёнини аниқ ва самарали ташкил этиш каби муҳим вазифаларни қўяди. Шунинг учун “ЎТӢ” АЖда юк ташишнинг рақобатлашув қобилиятини ошириш ва унинг жаҳон транспорт тармоғидаги мавқеини оширишда, транспорт хизматларини юқори савияда кўрсатиш ҳамда бозор воситалари ва механизмларидан янада тўлароқ фойдаланиш ҳисобига унинг самарадорлигини ошириш кераклигини кўрсатади.



**1-расм. Транзит юкларни қабул қилиш (жўнатувчи давлатлар млн.тон.)**

1-расмда кўриниб турибдики темир йўл транспорти орқали юкларни ташиш ҳажми кескин тушаётганини кўриш мумкин. Бунда асосий сабаблардан бири юкларни етказиб беришни ўз вақтида бажарилмаётганлигини сабаблардан бири бўлиши мумкин. Бунинг учун бугунги кунда транзит юкларни ташишни ҳисоблаш таърифи ҳамда уларга таъсир кўрсатаётган омилларни кўриб чиқишимиз керак [1-3].

Ўзбекистон, Россия ва бошқа МДҲ давлатларида XX аср бошларидан юкларни етказиб беришни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича тажрибалар амалга оширила бошланган. Юкларни етказиб бериш ҳисоблаш дастлаб 1922 йил Собиқ Иттифоқ темир йўл Низомида белгиланган бўлиб, унда темир йўл транспорти юкларни белгиланган вақтда ва тўлиқ хавфсизликни

таъминлаган ҳолда ўз манзилига етказиб бериш шартлиги келтириб ўтилган.

1955 йилда Собиқ Итифоқ темир йўлларида юклар мос равища юк тезлиги ёки юкори тезликда ташиш белгилаб берилган. Юклар юкори тезликда ташишга фақат темир йўл вазирлиги томонидан белгиланган муайян йўналишлардагина қабул қилинган (1-жадвал).

### **1-жадвал**

1955 йилда юк тезлигига ташишда белгиланган етказиб бериш муддати

Маршрутли		Вагонли жўнатма		Майда жўнатма	
Ташиш масофаси , км	Етказиб бериш муддати , сутка	Ташиш масофаси , км	Етказиб бериш муддати , сутка	Ташиш масофаси , км	Етказиб бериш муддати , сутка
300 гача	1	185 гача	1	180 гача	1
301-575	2	186-360	2	181-325	2
576-875	3	361-565	3	326-480	3
875 километрдан юкори масофаларда ҳар бир 325 км учун 1 сутка ҳисобланади		566-790	4	481-650	4
		791-1030	5	650 километрдан юкори масофаларда ҳар бир 170 км учун 1 сутка ҳисобланади	
		1030 километрдан юкори масофаларда ҳар бир 250 км учун 1 сутка ҳисобланади			

Мақолада юкларни етказиб бериш муддатини тақослаш XX аср бошларидан ҳозирги кунгacha бўлган муддатга олинган. Юк ташишда вагонли жўнатма темир йўл транспортида етказиб бериш муддати қўллана бошлаганидан ҳозирги кунга қадар муҳим рол ўйнаб келмоқда.


Маршрутли ташишлар биринчи марта 1930 йилда пайдо бўлган. Темир йўл транспортида турли даврларда маршрутли жўнатмада юк ташиш тезлигига юкларни етказиб бериш муддатларининг меъёрий вақти (2,3-расмда) келтирилган.

### **2-жадвал**

1955 йилда юкори тезликда ташишда белгиланган етказиб бериш муддати


Ташиш тавсифи	Километр масофага нисбатан 1 сутка	
	Магистрал участкаларда	Кам фойдаланиладиган участкалардан ташқари барча участ.З.каларда
<b>Маршрутли жўнатмада ташиш</b>		
Тез бузилувчан юклар	350	300
Хайвонот	320	320
<b>Вагонли жўнатмаларда ташиш</b>		
Тез бузилувчан юклар	250	220
Хайвонот	250	200
Бошқа турдаги юклар	320	200
Майда жўнатмаларда ташиш	320	200
Юкларни майда жўнатмада	350	250

		Километр масофага нисбатан 1 сутка
Ташиш тавсифи		Магистрал участкаларда
тезлаштирилган юк поездларида ташиш		Кам фойдаланиладиган участкалардан ташқари барча участ.3.каларда
1950 й.	1983-2021 й.	




**2-расм.** Темир йўл транспортида турли даврларда маршрутли жўнатмада юк ташиш тезлигига юкларни етказиб бериш муддатларининг меъёрий вақти

Агар етказиб бериш муддатини қисқа масофаларга (4000 км гача) янада аниқроқ таҳлил қиласак график қуидаги кўринишда бўлади [4-7]:



**3-расм.** 4000 км гача темир йўл транспортида турли даврларда маршрутли жўнатмада юк ташиш тезлигига юкларни етказиб беришнинг меъёрий вақти



**4-расм.** Темир йўл транспортида турли даврларда жўнатмаларнинг юк ташиш тезлигига ташишда етказиб беришда таъсир кўрсатувчи қўшимча операцияларнинг вақт давомийлиги

XX аср охирига келиб қўлланилаётган меъёрлар чизиқли бўлмаган қарашлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, XX аср бошларида қўлланилган меъёрлар эса чизиқли қарашлар асосида ишлаб чиқилган;

қисқа масофаларга ташишда ҳозирги кунда қўлланилаётган меъёрлар нисбатан ўзгарувчан, узок масофаларга ташишда эса аксинча қатъийроқdir [6-10].

Шунингдек етказиб бериш муддатига таъсир кўрсатадиган қўшимча операциялар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам ўз навбатида ташиш давомийлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда ҳам юкларни халқаро йўналишларда етказиб бериш муддати суткасига 200 км ни ташкил этади. Мижозларга янада сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида юкларни бутлигини сақлаган ҳолда етказиб беришга таъсир кўрсатадиган қўшимча операциялар таъсирини камайтириш чора тадбирларини кўриш ва ишлаб чиқиш асосий мақсад ҳисобланиб бунинг устида изланишлар олиб борилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатдики юқорида келтирилган етказиб беришда таъсир кўрсатадиган қўшимча операцияларга белгиланган вақт меъёрлари амалий ва илмий асосланмаган. Шунинг учун мақолада келтириб ўтилган омилларни инобатга олиб келгусида халқаро юкларни ташишда тўғри бажарилишини таъминлашимиз зарур. Бундан кўриниб турубдикি темир йўл коридорларини ҳар томонлама ривожлантириш керак. Темир йўлларнинг транспорт-транзит салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий йўлларидан бири бўлган транспорт коридорларини ташкил этишдан ташқари, қуидаги ечимлар таклиф этилади: мавжуд транспорт линияларини янада мустаҳкамлаш; “Ўзбек” йўналишларининг халқаро тан олинишини ва улар

фаолиятида халқаро ҳамкорликни таъминлаш; тариф сиёсатини, тўловлар ва йиғимлар тизимини такомиллаштириш; транспорт инфратузилмасини яхшилаш; халқаро транспорт йўлаклари таркибига кирувчи транспорт инфратузилмасини техник ривожлантиришга инвестициялар жалб этилишини таъминлаш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Кобулов Ж. Р., Баротов Ж. С. Организация движения сборных поездов между техническими станциями при доставке грузов // Известия трассиба научно-технический журнал. 2020 №4(44). – С. 104 – 111.
2. Kobulov J, Barotov J. Method of Improvement of Efficiency Transportation Technology. // International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE). Volume-8 Issue-4, November 2019. 7720-7726 pp.
3. Kobulov J., Barotov J. Improving the delivery of wagon shipments by mathematical-statistical methods // В сборнике: E3S Web of Conferences. Сеп. "International Scientific Conference "Construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering, CONMECHYDRO 2021" 2021.
4. Кобулов Ж.Р., Баротов Ж.С., Тоштемиров И.М. Проблемы и решения своевременной доставки грузов на железнодорожном транспорте // Транспорт: наука, техника, управление. Научный информационный сборник. 2021. № 11. С. 16-21.
5. Kobulov J.R., Barotov J.S. Justification of a rational method of using a refrigerated car. // Logistika: sovremennoye tendentsii razvitiia: materialy mezhdunarodnoi nauchno-prakticheskoi konferentsii (logistics: modern development trends: materials of the international scientific and practical conference) Contributions to Game Theory and Management. 2018. № 1. С. 228.
6. Кобулов Ж.Р., Баротов Ж.С., Ташматова М.С. К вопросу о комплексном решении задачи совершенствования срока доставки грузов на железнодорожном транспорте // Universum: технические науки. 2021. № 5-3 (86). С. 13-19.